Узбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

07.01.2022 даги

Косон туман Электр тармоклари ва Косон туман МТБ (Центр) ўртасида 4824450,00 сўм умумий суммага тузилган 1/1 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 251

Шахсий ғазна хисобварак 10002286010229709860225100 3

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4221000			
Январь	2 124 900,00			2 124 900,00
Февраль	1 449 900,00			1 449 900,00
Март	1 249 650,00			1 249 650,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	**4 824 450,00**			**4 824 450,00**

Жами 4824450,00 сум

Турт миллион саккиз юз йигирма турт минг турт юз эллик сум 00 тийин
сумма сўз билан

Юкоридаги курсатилган суммадан _____ сум еки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан _____ % ***20___ _____ ойида туланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси курсатилади,

(***) — Юкоридаги курсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан туланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар курсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади)

Буюртмачи рахбари _____ Кувондиков Илёс Пирматович
(имзо) Ф И Ш

М Ў

Буюртмачи бош бухгалтери _____ Муминов Руслан Муродович
(имзо) Ф И Ш

Ғазначилик бўлинмасининг ходими кабул килди _____
(имзо)

«___» _____ 20___ й.

Буюртмачи ходими кабул килди _____
(имзо)

«___» _____ 20___ й

Юридик шахслар учун электр таъминоти
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "12 "январ 1/1-сон Косон туман

Низом асосида фаолият юритувчи Косон ТЭТ рахбари кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) бир томондан хамда Низом асосида фаолият юритувчи Косон туман Мактабгача таълим бщлими бошлиғи И.Қувондиков (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), хисоб раками иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилар:

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоклари оркали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га (Косон туман МТБ бўлими ва унга карашли МТТлари маъмурий биносига) етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса истеъмол килинган энергия хаккини ўз вактида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия хисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив **10721** кВт.с., реактив _____-_____ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи **бир ставкали** сўм тариф бўйича **4824450** сўмни ташкил этади.

2.3. "Истеъмолчи"га энергия ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофик етказиб берилади.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан хак тўланиши лозим бўлган хакиқий кабул килиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда - ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аникланади.

III. Ҳисоб-китоб килиш тартиби

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициентли тарифлар асосида амалга оширилади (нарх шакллантиришнинг алохида тартиби).

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вактида (соат 9^{00} дан 17^{00} гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6^{00} дан 9^{00} гача, кечки энг катта микдор соат 17^{00} дан 22^{00} гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш оркали;

тунги пайт – сутканинг коронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22^{00} дан 24^{00} гача ва 00^{00} дан 6^{00} гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаювчи коэффициентни кўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухидаги "Истеъмолчи"ларнинг бир ставкали тарифига мувофикдир.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган "Истеъмолчи"га энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган куввати 750 кВАгача бўлган "Истеъмолчи"га энергияни реализация килиш нархни шакллантиришнинг алохида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи махсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи "Истеъмолчи" учун Ҳукумат карори билан белгиланадиган тарифлар ва ўсиб борувчи коэффициентли тўловлар асосида амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. "Истеъмолчи" хар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда "Бюро" деб аталади) ваколатли вакили иштирокида хисоб-китоб даври охирида хисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисоботни тузади.

"Истеъмолчи" энергия сарфи бўйича хисоботни "Корхона"га хар ойнинг 25 санасигача чопар оркали ёки факсимиль алока ёхуд электрон почта алокаси оркали такдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган "Истеъмолчи" бўйича энергия (активва реактив) сарфининг тўлик хажмидан ташкари, алохида-алохида тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлардаги хажмлари хам аникланиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганида "Истеъмолчи" етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол килинган энергия учун янги тарифлар бўйича хак тўлайди.

3.6. "Истеъмолчи"га энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий микдори киймати учун 100 фоизлик олдиндан хак тўлаш асосида амалга оширилади.

3.7. Энергия сарфи бўйича хисобот асосида "Корхона" ўрнатилган тартибда хисоб-китобни амалга оширади хамда хисоб-фактура ва тўлов хисобварагини ёзиб беради.

"Истеъмолчи"да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган такдирда, хар бир тариф гурухи кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура ёзилади.

3.8 Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоклари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоблаш йўли оркали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади

Бунда, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юкори бўлган кувватга уланган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тигиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варагини ёзиш учун мутаносиб равишда кўшиб борилади.

3.9 Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилмаган тақдирда, "Корхона" томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади, бу ҳақда "Истеъмолчи"нинг ҳисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида "Бюро" томонидан ёзиб олингандан кейин "Корхона" томонидан амалда истеъмол килинган энергия учун белгиланган тартибда кайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10 "Истеъмолчи"нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия кайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи"нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар кайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календарь ой тугагач карздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса - 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, "Истеъмолчи"дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортикча истеъмол килинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади

3.12 "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади

3.13 "Истеъмолчи"ни электр тармокларидан узиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда,

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги окибатида фойдаланилган энергия учун карздорлик мавжуд бўлганда,

"Бюро" талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда,

ҳисоблагичлар касддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларга ташкаридан аралашилганда,

электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка ҳолатлари аниқланганда

3.14 Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15 "Истеъмолчи"ни тармокка кайта улаш, "Истеъмолчи" томонидан коидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳакининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг амалга оширилади (ЭНҲАТга уланган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно)

IV. Томонларнинг ҳукук ва мужбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қуйидаги ҳукукларга эга:

узининг электр курилмаларини техник шартларга мувофиқ "Корхона" электр тармокларига улаш,

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тухтатиб қуйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш,

"Корхона"га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мулжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда коплатиш,

конун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани кайтарилишини талаб килиш,

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни коплашни талаб килиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга еки бўйсуниши буйича юкори ташкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш

"Истеъмолчи" конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга хам эга булиши мумкин

4 2 "Истеъмолчи" куйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол килишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун уз вактида хак тулаш;

эксплуатация килаётган электр тармоклар, асбоблар, электр курилмаларининг техник холатини лозим даражада сакланишини, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш, "Корхона"га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар килиш,

энергиядан окилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Бюро" ва "Уздавэнергоназорат" инспекциясининг ёзма курсатмаларини уз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда "Бюро" ва (ёки) "Корхона"нинг тегишли вакилига хисоблагичларни куришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун "Корхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга булган эхтиёжни аниклашда энергияни электр тармокларидан узатишда, махсулот ишлаб чикариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эхтиёжларига, ишлаб чикариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармокларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эхтиёжини хисобга олиш

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори булган кувватга уланган "Истеъмолчи"

истеъмол килинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг куп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг куп юкламасининг утиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дакикадаги сарфини хисобга олиши ва "Корхона"нинг талабига кура хабар килиши шарт

"Истеъмолчи" конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга хам эга булиши мумкин

4 3. Корхона куйидаги хукукларга эга:

"Истеъмолчи"дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш,

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи" томонидан етказилган хакикий зарарни коплашни талаб килиш;

электр хужалиги объектларида авариявий холатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш буйича кечиктириб булмайдиган чоралар куриш зарурати булганда, "Истеъмолчи"ни огохлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

"Бюро" ёзма курсатмасига мувофик "Истеъмолчи"ни электр тармоклардан учириш, шунингдек ЭНҲАТга уланган ёки олдиндан тулов курилмасига эга хисоблагичи булган "Истеъмолчи"ларни олдиндан тулов тугагандан сўнг ўчириш

"Корхона" конунчиликка мувофик бошка хукукларга хам эга булиши мумкин

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоклар оркали "Истеъмолчи"га - электр тармокларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган хажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

курилмаларни, электр узатиш линияларини, хисоблагичларни эксплуатация килиш, техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш, шунингдек узининг электр хужалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боглик электр таъминотидаги узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тухташлар тўгрисида ва тухташларнинг сабаблари тўгрисида "Истеъмолчи"га маълум килиш,

киритилаётган чеклашлар тўгрисида чеклашларни хажми ва вакти курсатилган холда олдиндан хабар бериш,

"Истеъмолчи"нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўгрисидаги аризасини, "Истеъмолчи"дан ариза олингандан кундан ун кундан кечиктирмасдан куриб чикиш, уларни бартараф этиш ва тулаконли жавоб йуллаш;

"Истеъмолчи"га етказиб берилган энергия хисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

"Истеъмолчи"нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий хажмига узгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий хажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин булмаган такдирда - бу хакда, рад этиш сабабларини курсатган холда "Истеъмолчи"га хабар килиш;

"Истеъмолчи"га урнатилган хисоблагичларни алмаштиришни, урнатишни ва уларга хизмат курсатишни, шунингдек "Бюро" билан бирга уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат курсаткичлари давлат стандартига мувофик булган энергия етказиб бериш

"Корхона" конунчиликка мувофик бошка мажбурнятларга хам эга булиши мумкин

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5 1. Мазкур шартномада курсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган

холларда, "Корхона" бунинг натижасидаги етказилган зарарни коплашга мажбур, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни коплашга мажбур

5.2 "Корхона":

"Истеъмолчи" энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йол қуйган тақдирда, "Корхона" томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли учиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди

5.3 "Истеъмолчи" "Бюро" ёзма кўрсатмасига мувофик учирилганда ёки енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд булганда, "Корхона" "Истеъмолчи" олдида жавобгар бўлмайди

5.4 Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар узаро музокаралар йули билан тартибга солинади Улар музокаралар йули билан хал этилмаган тақдирда, судда хал этилади

VI. Якуний қоидалар

6.1 Шартнома 2022 йил 31 декабрьгача булган муддатга тузилади

Шартнома муддати утиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор килиш тўгрисида ариза бермаган булса, у кейинги хар бир йилга узайтирилган хисобланади Ариза шартноманинг амал килиш муддати тугашига бир ой колгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган, томонларнинг хар бирида сакланаётган икки нусхада тузилган Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

6.3 Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор килиниши иккинчи томонни бекор килиш муддатидан уттиз кун олдин хабардор килган холда, томонларнинг узаро хисоб-китоб килганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор килиш тўгрисида хабарнома ёзма равишда такдим килинади

6.4 Барча узгартиришлар ва кушимчалар, агар улар факат ёзма равишда булган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган булса хакийкийдир

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Таъминотчи»	«Истеъмолчи»
Косон ТЭТ	**Косон туман МТБ**
	(бюджет маблагларини олувчи номи)
Манзил: **Косон туман**	Манзил **Косон туман Насаф кучаси**
Телефон: _____	Телефон **8(375)-592-41-46**
хисоб рақам **22636000000177786348**	**ш.х.в 10002286010229709860225100 3**
деп.хис ракам _____	МФО 00014 ИНН 305 152 883 ИФУТ 92400
Банк **Қарши шахар Марказий банки**	Банк **Марказий банкнинг Тошкент шахар**
	МФО: **00014** ИНН: **202101254**
МФО **00854** ИНН: **200666494**	ОКОНХ: **97800**
ОКОНХ _____	Ғазначилик номи: **Молия вазирлиги ғазначилиги**
	Ғазначилик х/р **23402000300100001010**
	Ғазначилик ИНН: **201122919**
	Рахбар **Н.Кувонсиков**
Рахбар _____	_____
(Ф.И.Ш.)	(имзо)
_____	
(имзо)	

Юрист хулосаси:

Мазкур шартнома конун доирасида тузилган деб хисоблайман

Ҳукукшунос _____ _____

07.01.2022 йил

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи Бир ставкали
2. Фаолият тури бюджет ташкилоти
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 220 кВА (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги буйича тоифаси (лойиха буйича) _____
5. Ҳисоб-китоб тури: Бир ставкали

тариф тури: табақалантирилган, бир ставкали, икки усиб борувчи коэффициентли (керакли ги ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари буйича			
Йил, жами					
Январь	4722				
Февраль	3222				
Март	2777				
Апрель	-				
Май	-				
Июнь	-				
Июль	-				
Август	-				
Сентябрь	-				
Октябрь	-				
Ноябрь	-				
Декабрь	-				

Имзолар:

"Истеъмолчи":

И.Кувондиков _____

(М.Ў. имзо)

"Корхона":

_____

(М.Ў. имзо)

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: TF51343684

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi: Yuridik shaxslar uchun elektr ta'minoti shartnomasi.

2.Loyihaning nomi: Iste'molchi Koson tuman Maktabgacha talim bo'limi va elektir energiyasini etkazib beruvchi Koson TET korhonasi o'rtasida 2022 yil 07-yanvardagi №1/1-sonli shartnoma loyhasiga asosan 2022 yil uchun elektir energiyasini yetkazib berilishi to'g'risida.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Koson tuman Maktabgacha talim bo'limi tomonidan 2022-yil 07-yanvarda ishlab chiqilgan va 11-yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy – huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 12-yanvardagi 22-sonli Qarori talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti: **A.Djuraev**

2022-yil 12 yanvar.